

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК. 333+636+637

МЕҲМОНОВ СУЛТОНАЛИ УМАРАЛИЕВИЧ

ИҚТИСОДИЁТНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА
ТАРМОҚНИ ИСТИҚБОЛЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА
АҲОЛИНИ ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН
ТАЪМИН ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.

(Тошкент вилоятидаги турли мулкчиликка асосланган
қорамолчилик хўжаликлари мисолида)

Ихтисослик 08.00.04 — Микроиқтисодиёт
(Агросаноат мажмуи)

Иқтисод фанлари номзоди илмий
даражасини олиш учун диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

ТОШКЕНТ - 2002

Диссертация Тошкент Давлат аграр
университетида бажарилган.

ИЛМИЙ РАҲБАР

иқтисод фанлари номзоди, доцент А.А.Тошматов

РАСМИЙ МУҲОЛИФЛАР:

иқтисод фанлари доктори, профессор Қ.А.Чориев

иқтисод фанлари номзоди, доцент Н.Т.Ўрмонов

ЕТАКЧИ ТАШКИЛОТ

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги


Ҳимоя Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий тадқиқот
институти ҳузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Д.020.80.01 Ихтисослашган кенгашнинг 2002 йил “2”
сентя соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади.

Манзил: 700097. Тошкент ш. Халқлар Дўстлиги, 28 уй,
5 қават, мажлислар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон Бозор ислоҳотлари илмий
тадқиқот институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2002 йил “3” сентя да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, иқтисод
фанлари доктори



Ф.НАЗАРОВА

ИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Бозор муносабатлари ривожланаётган шароитда Республика аҳолисини юқори сифатли, экологик тоза чорвачилик маҳсулотлари билан узлуксиз таъмин этиш давлатимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бу борада Республикамиз Президенти И Каримов таъкидлаганидек «Аҳолини озиқ-овқат билан узлуксиз таъминлаш иқтисодийetni барқарорлаштиришнинг муҳим бўғинига айланиб бормоқда. Бу республика қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган сиёсатнинг умумий устивор йўналишларидан биридир»¹. Республикамиз сиёсий мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб чорвачилик тармоғини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилдаги 137-сонли қарорига асосан ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилган жамоа чорвачилик фермаларидаги 480,4 минг бош қорамоллар, шу жумладан 153,2 минг бош сигирлар жамоа аъзоларига хусусийлаштирилиб берилди. «Ким ошди» савдосида чорвачилик фермаларидаги 250,7 минг бош қорамоллар, шу жумладан 96,3 минг бош сигирлар аҳолига хусусий мулк қилиб сотилди, қоракўлчилик давлат хўжаликлари мулккий пайларни жорий этиш асосида ширкат хўжаликларига айлантирилди. Чорвачилик маҳсулотларига давлат буюртмаси бекор қилинди ва эркин нархларда сотиш имконияти вужудга келди. Натижада чорвадорларда мулкка ва ўз меҳнати натижаларига эгалик ҳиссиёти шаклланиб, эркин тадбиркорлик асосида фаолият юритишлари учун ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий асос яратилди. Лекин 2000 йилда республикада ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари аҳолини тиббий меъёрларга нисбатан олинганда гушт 43 фоизга, сут 79,6 фоизга, тухум 17 фоизгагина таъминланган. Аҳоли сонининг ўсиши ҳисобига чорвачилик маҳсулотларига талаб кундан кунга ортиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан мамлакат аҳолисини барқарор равишда чорвачилик маҳсулотлари билан таъмин этиш мақсадида, чорвачилик тармоғини ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалигини интенсифлаштириш ва чорвачилик тармоғида мулккий муносабатларни такомиллаштириш, ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини ошириш муаммоларига хорижий давлатларнинг етакчи олимларидан Ваттио М.А., Касьянов Л.И., Попов Н.А., Ховардом Т., республикамизда қатор йирик иқтисодчи олимлар Жўраев А.М., Исмоилов А.К.,

¹ Каримов И. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Т-«Ўзбекистон» 1995 йил

Маллабоев Т.С., Назарова Ф.Х., Ризаев М.Т., Ражапов Р.Р., Сидиқов С., Тошматов А.А., Хусанов Р.Х., Холиқов С., Чориев Қ.А., Қодиров А.М. илмий ишлари бағишланган бўлиб, ушбу ишларда асосан чорвачилик тармоғи иқтисодиёти, унинг назарий жиҳатларини ўрганиш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда тармоқда харажатларни ҳисобга олиш ва нарх-наво шаклланиш масалалари кенг ёритилган. Аммо, мазкур илмий ишларда турли мулкчиликка асосланган хўжалик юриштиш шароитида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар етарли даражада таҳлил қилинмаган. Чунки, ҳозирги кунда аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан асосан хусусий мулкчиликка асосланган деҳқон ва фермер хўжаликлари таъминламоқда. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида тармоқлараро хўжалик алоқаларининг бузилиши, чорвачилик маҳсулотлари нархлари ўсиш суръатлари пастлиги ва молиявий ҳисоб-китоблар тизимидаги муаммолар чорвачилик тармоғи самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда. Шу нуқтаи назардан турли мулкчилик шаклидаги хўжаликлар фаолияти шароитида республика аҳолисини чорва маҳсулотлари билан мунтазам таъминлашга эришиш борасида илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилиши зарурлиги ушбу мавзунинг тадқиқот учун танланишига асос бўлди.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Тадқиқотнинг асосий мақсади иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида турли мулкчиликка асосланган чорвачилик хўжаликлари фаолияти иқтисодий самарадорлигини ошириш асосида республика аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор таъмин этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар амалий ҳал қилинди:

- Турли мулкчилик шаклларидаги чорвачилик хўжалиklarини ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида мамлакат аҳолисини сифатли ва экологик тоза чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш имкониятларини илмий асослаб бериш;
- Бозор муносабатлари шароитида чорвачилик хўжаликларига маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига ва чорвачилик маҳсулотлари истеъмоли даражасига таъсир этувчи омиллар тизимини асослаб бериш;
- чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг асосий йўналишлари бўйича тавсиялар тайёрлаш;
- турли мулкчилик шаклидаги чорвачилик хўжаликларига ем-хашак базасини мустаҳкамлаш имкониятлари бўйича таклифлар тайёрлаш;
- чорвачилик тармоғида хусусий мулкчиликни ривожлантиришнинг маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги ўрнини асослаш;
- бозор иқтисодиёти шароитида чорвачилик маҳсулотлари маркетинг

гини шаклантириш ва тармоқ самарадорлигини оширишнинг истиқболлари бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш.

Тадқиқотнинг объекти қилиб Тошкент вилоятининг чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган хўжаликлари танлаб олинган. Монографик тадқиқотлар Паркент, Бўка, Ўрта-Чирчиқ ва Қибрай туманидаги турли мулкчиликка асосланган чорвачилик хўжаликлари мисолида олиб борилган.

Тадқиқот предмети этиб турли мулкчилик шаклида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари доирасида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш жараёни ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими олинган.

Тадқиқотнинг услубиёт ва услубий асослари. Тадқиқотнинг услубиёти асосини иқтисодий-ижтимоий ҳодисаларни бозор қонуниятлари асосида ўрганиш йўналишидаги иқтисодий таълимот, Республикамиз Президенти И.Каримовнинг қишлоқ хўжалиги тармогини ривожлантиришга оид асарларида илгари сурилган илмий ғоялар ва фикрлари ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида иқтисодий таҳлил, статистик гуруҳлаш, динамик қаторлаш, таққослаш ва бошқа иқтисодий услублардан кенг фойдаланилди. Тадқиқотларнинг базаси сифатида Республика макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси маълумотлари, Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси маълумотлари ва хўжаликларнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидаги ишланмаларда ўз аксини топган:

- турли мулкчилик шаклидаги қишлоқ хўжалик корхоналари фаолияти шароитида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан барқарор равишда таъминлаш имкониятлари илмий жиҳатдан очиб берилди;
- турли мулкчилик шаклидаги чорвачилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омиллар таснифи ишлаб чиқилди;
- бозор муносабатлари ривожланиши шароитида чорвачилик маҳсулотлари истеъмоли даражасига таъсир этувчи омиллар тизими ва чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабни қондиришнинг асосий йўналишлари бўйича тавсия ишлаб чиқилди;
- турли мулкчилик шаклидаги чорвачилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсия тайёрланди;
- чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хусусий мулкчиликни ривожлантириш асосида тармоқ самарадорлигини ошириш истиқболлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

- чорвачилик маҳсулотлари маркетингини шакллантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилди;
- чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи қишлоқ хўжалик корхоналари ўртасида маҳсулотларни тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш билан шуғулланувчи кооперативлар ташкил этишининг ташкилий-иқтисодий асослари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларидан олинган қатор таклиф ва тавсияларнинг чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида четдан валютага чорвачилик маҳсулотлари сотиб олишни камайтириш, бутунлай тўхтатиш ва мамлакат аҳолисини чорва маҳсулотлари билан барқарор таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши билан белгиланади. Чорвачилик хўжаликларининг молиявий-иқтисодий натижаларини белгиловчи омиллар тизими ва улардан унумли фойдаланиш бўйича таклифлар бевосита харажат турларини доимий назорат қилишга ва ортиқча сарфларни қисқартиришга имкон беради. Тармоқда озуқа базасининг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсири бўйича тавсиялар ем-хашак сифатини тубдан яхшилашга, чорва моллари маҳсулдорлигини оширишга, озуқа сарфларини камайтиришга олиб келади. Чорвачиликда хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорликни ривожлантириш бўйича хулосалар бозор иқтисодиёти шароитида тармоқни истиқболли ривожлантиришнинг стратегик йўлларини белгилашга ижобий таъсир қилади.

Тадқиқот натижаларини амалиётда синаш ва қўллаш. Илмий изланиш натижаларидан келиб чиққан “Бозор иқтисодиёти шароитида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш” ҳамда “Чорвачилик тармоғида хусусий мулкчиликни ривожлантириш” бўйича таклиф ва тавсиялар бевосита Тошкент вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси раҳбар ва мутахассислари томонидан муҳокама қилиниб, ишлаб чиқаришда қўллаш учун қабул қилинган. Шунингдек, тадқиқотнинг асосий мазмуни 1999-2002 йиллар давомида Тошкент Давлат аграр университетиде ўтказилган илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб, ижобий баҳоланган.

Диссертация мавзуси бўйича 8 та мақола илмий журналларда ва тўпламларда чоп этилган.

Диссертациянинг таркиби ва ҳажми. Илмий иш кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, ўрганилганлик даражаси, илмий ишнинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилigi ҳамда унинг назарий ва амалий аҳамияти ёритилган.

«Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашнинг илмий асослари» номли биринчи бобда мамлакат аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъмин-

лаш зарурияти ва имкониятлари асослаб берилган, ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ва истеъмол даражасига таъсир қилувчи омиллар тизими ишлаб чиқилган.

«Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолати ва уларни кўпайтириш имкониятлари» номли иккинчи бобда республикамизда чорвачилик тармоғи ривожланишининг ҳозирги ҳолати кенг таҳлил қилиниб, чорвачилик хўжаликларининг молиявий-иқтисодий натижаларини белгилувчи омиллар ҳамда тармоқда озуқа базасини мустаҳкамлаш имкониятлари очиб берилган.

«Тармоқ самарадорлигини ошириш асосида аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашнинг истиқболлари» номли учинчи бобда чорвачилик тармоғида хусусий мулкчиликка асосланган хўжаликларни ривожлантириш ва турли мулкчилик шаклидаги чорвачилик хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган. Чорвачилик маҳсулотлари маркетингини шакллантириш ва тармоқ самарадорлигини ошириш истиқболлари бўйича таклифлар ва тавсиялар тайёрланган.

Хулоса ва таклифлар қисмида илмий тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

1. Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб ҳукуматимиз томонидан аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, хусусан ўзимизда ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари билан таъмин этишга алоҳида эътибор берила бошланди. Пахта яккаҳоқимлигига барҳам берилиб, экин майдонлари таркибида гўза майдонлари салмоғи 50-55 фоиздан 40-45 фоизгача камайтирилди. Галла экин майдонлари кенгайиши натижасида чорва учун озуқа етиштириш имкониятлари пайдо бўлди. Аммо тадқиқотлар кўрсатишича, тармоқда турли мулкчилик шаклидаги хўжаликларнинг таркиб топганлигига ва ривожланаётганлигига қарамасдан мамлакат аҳолисининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган ўсиб бораётган талабини қондириш етарли даражада эмас. Яъни 2000 йилда республикамизда гўшт маҳсулотлари истеъмоли аҳоли жон бошига 36.9 кг ни ташкил қилгани ҳолда ишлаб чиқариш 33.6 кг га тенг бўлган. Сут ўз навбатида 162 кг; 145.3 кг, тухум 42 дона; 50 донани ташкил қилган. Лекин бу кўрсаткичларни тиббий меъёрларга солиштирганда салбий ҳолат эканлигини кўриш мумкин.

Мамлакат аҳолиси турмуш фаровонлигини ошириш ва озиқ-овқат таъминотини яхшилаш энг аввало аграр ресурслар, мавжуд ер, меҳнат, моддий техника ва молиявий ресурслардан унумли фойдаланишни ҳамда хўжалик юритиш механизмининг такомиллаштиришни тақозо қилади. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, мулкий муносабатларни такомиллаштиришга, меҳнатни ташкил қилиш ва

рағбатлантиришнинг илгор услубларини жорий қилишга, ҳамда сарф-харажатларни камайтириш эвазига соф молиявий натижаларни ошириш мақсадига йўналтирилган. Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритиш механизмини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлардан кўзланган бош мақсад кам сарф-харажатлар эвазига кўпроқ маҳсулот етиштириш асосида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдир.

Шу нуқтаи назардан олганда, турли мулкчиликка асосланган қишлоқ хўжалик корхоналари ички имкониятларидан тўла фойдаланиш асосида сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва аҳоли эҳтиёжини таъминлаш давр талабига айланмоқда. Чунки, қишлоқ хўжалигида ортиқча ҳаражатларга йўл қўймасдан сифатли ва кўпроқ маҳсулот, етиштиришга эришиш ҳар бир жамият аъзосининг турмуш даражасини яхшилашга, ҳамда мамлакат иқтисодий қудратини оширишга ва истиқболдаги ривожланишини таъминлашга замин яратади.

2. Маълумки, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пировард натижаларини ўзида акс эттиради ва соф даромад кўринишида шаклланиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ва жамиятнинг ижтимоий иқтисодий юксалиши йўлида мустақкам моддий асос бўлиб хизмат қилади.

Шу жумладан, бизнинг назаримизда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлиги даражасига табиий - иқтисодий, ташкилий - иқтисодий, ижтимоий - иқтисодий омиллар таъсир этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини белгиловчи ва талаб-таклиф орқали таъсир этувчи бошқа омиллар ҳам мавжудки, уларни ҳисобга олмасдан туриб, ишлаб чиқаришни ташкил этиш кўзланган мақсадга эришиш имконини бермайди. Ушбу омилларни бозор муҳити омиллари гуруҳига киритиш ўринли бўлади (1-чизма).

Бозор муҳити омиллари бозор муносабатлари амал қиладиган шароитда катта аҳамиятга эга бўлиб, чорвачилик маҳсулотларига ички ва ташқи бозордаги талабнинг ўзгариши, нархлар динамикасини олдиндан башорат қила билиш орқали хўжаликлар иқтисодиётини барқарорлаш-тиришда муҳим аҳамият касб этади.


Бу борада маҳсулотни истеъмол қилиш даражаси асосий ҳал этувчи омил ҳисобланади. Чорвачилик маҳсулотлари истеъмоли даражасига кўплаб омиллар таъсир этади. Ушбу омилларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин. (2-чизма)

Самарадорликка таъсир этувчи ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар алоҳида чорвачилик хўжаликлари фаолиятига микродоирада таъсир этса, бундан ташқари макродоирада таъсир этувчи бир қатор омиллар ҳам борки, уларни ҳар доим кузатиб, ўрганиб бориш зарур ва уларга мослашиш нуқтаи-назаридан


ишлаб чиқаришни ташкил этиш лозим бўлади. Бундай омилларни, инвестиция лойиҳаларини жорий этиш бўйича давлат сиёсати, нарх-наво, мамлакат олиб бораётган солиқ сиёсати, чорвачилик тармоғини ривожлантириш йўналишидаги ҳукумат қарорлари ташкил этади.

1-чизма

Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи бозор муҳити омиллари



Чорвачилик маҳсулотлари истеъмол даражасига таъсир этувчи омиллар тизими



3. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнгги даврда чорвачилик тармоғи ривожланиши жараёнларининг иқтисодий таҳлили натижалари кўрсатишича, чорва моллари бош сони ва маҳсулдорлиги ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ўтиш даври муаммолари таъсирида йирик қишлоқ хўжалиги корхоналарида камайган бўлса, деҳқон хўжаликлари доирасида эса чорва моллари бош сони ва маҳсулдорлиги бир неча баробар ўсган ва деҳқон хўжаликлари асосий чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи тармоққа айланиб бормоқда. Жумладан, тармоқда иқтисодий

Жумладан, тармоқда иқтисодий ислохотлар бошланган 1994 йилда республика бўйича жами қорамоллар бош сонининг 71,0 фоизи деҳқон хўжалиқларига, 25,1 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарига ва 3,9 фоизи фермер хўжалиқларига тегишли бўлган бўлса, 2000 йилга келиб бу нисбат мос равишда 86,1; 10,2; ва 3,7 фоизни ташкил қилган. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳам деҳқон хўжалиқларининг салмоғи йилдан-йилга ошиб борган. Жумладан, 1994 йилда республикада жами ишлаб чиқарилган сутнинг 77,6 фоизи деҳқон хўжалиқларига, 1,4 фоизи фермер хўжалиқларига ва 21,0 фоизи жамоа хўжалиқларига тегишли бўлган бўлса, 2000 йилга келиб эса 93,6 фоиз сут деҳқон хўжалиқларида, 1,5 фоизи фермер хўжалиқларида ва 4,9 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналарида ишлаб чиқарилган. Гўшт ишлаб чиқаришда ҳам, худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Яъни, деҳқон хўжалиқларининг салмоғи 2000 йилда 1994 йилдагига нисбатан 18,5 фоизга ошиб, жами ишлаб чиқарилган гўштининг 91,1 фоизи улар зиммасига тўғри келган. Фермер хўжалиқлари бўйича эса бу кўрсаткич 2000 йилда 1,3 фоизни ташкил этган. Жамоа ва ширкат хўжалиқлари салмоғи кескин камайиб 1994 йилдаги 25,8 фоиздан 2000 йилда 7,6 фоизга тушиб қолган (1-жадвал).

1-жадвал

Республика бўйича турли хўжалик юритиш шакллариининг гўшт ва сут ишлаб чиқаришдаги салмоғи (фоизда)

Йиллар	Қишлоқ хўжалик корхоналари		Фермер хўжалиқлари		Деҳқон хўжалиқлари	
	гўшт	сут	гўшт	сут	гўшт	сут
1994	25,8	21,0	1,6	1,4	72,6	77,6
1996	17,9	13,8	1,8	1,6	80,3	84,6
1998	8,9	6,7	1,3	1,5	89,8	91,8
2000	7,6	4,9	1,3	1,5	91,1	93,6
2000 йил 1994 йил- га нисба- тан (+, -)	-18,2	-16,1	-0,3	+0,1	+18,5	+16

Тошкент вилояти бўйича ҳам чорва молларининг аксарияти деҳқон хўжалиқлари ихтиёрида бўлиб жами қорамолларнинг 79,0 фоизи, шу жумладан сигирларнинг 79 фоизи деҳқон хўжалиқларига тегишли бўлса, фермерлар ихтиёрида 4,0 фоизи ва жамоа ва ширкат хўжалиқлари ихтиёрида 17,0 фоиз қорамоллар сақланмоқда. Қўй ва эчкилар нисбати ҳам юқоридаги нисбатга яқин кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Шунингдек, Тошкент вилояти бўйича чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда ҳам деҳқон хўжалиқлари катта салмоққа эга

салмоққа эга бўлмоқда. Яъни, 2000 йилда деҳқон хўжаликларида сутнинг 88 фоизи, гўштнинг 92 фоизи, жамоа ва ширкат хўжаликларида сутнинг 10 фоизи, гўштнинг 6 фоизи, фермер хўжаликларида эса сутнинг 2 фоизи гўштнинг 1 фоизи ишлаб чиқарилган. Деҳқон хўжаликларида чорва молларининг маҳсулдорлиги ҳам нисбатан юқори бўлиб 2000 йилда бир бош сигирдан ўртача 2013 кг сут соғиб олинган. Фермер хўжаликларида 1249 кг ни, жамоа ва ширкат хўжаликларида 1672 кг ни ташкил этади. Вилоятнинг ўртача кўрсаткичи эса 1954 кг ни ташкил этади.


Демак, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъмин этишда деҳқон хўжаликлари келажакда ҳам асосий манбаалардан бири бўлиб қолади.

Тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархи таркибида озуқа сарфлари ва меҳнат ҳақи харажатлари катта салмоққа эга бўлмоқда. Жумладан, Тошкент вилояти бўйича монографик ўрганилган турли мулкчилик шаклидаги 57 та хўжаликда сут ишлаб чиқариш харажатлари таркибида озуқа сарфлари 41-48 фоизни, меҳнат ҳақи харажатлари 19 - 22 фоизни ташкил қилган. Бошқа харажат турлари ҳам кейинги йилларда ошиб бормоқда. Бундан ташқари, ёқилғи, мойлаш материаллари, омухта емлар нархининг ошиб бориши бевосита чорва маҳсулотлари таннархини ошиб кетишига олиб келмоқда. Бозор муносабатлари чорвачилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтиришга алоҳида эътибор беришни тақозо қилади. Чунки, бу чорвадор даромадини ошириш манбааларидан бири ҳисобланади.

Чорвачилик тармоғи самарадорлигини оширишга аввало маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини камайтириш орқали ва сифатли маҳсулот сотишга алоҳида эътибор бериш тўғрисида эришиш мумкин. Чорва маҳсулотлари ишлаб чиқариш молиявий кўрсаткичлари таҳлили шундан далolat бермоқдаки, кейинги йилларда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи ва уни сотиш нархи ўсиши ўртасидаги фарқларда номутаносиблик сезилмоқда. Хусусан 1993 йилда 1 центнер гўшт ишлаб чиқариш таннархи 464,8 сўмни, ўртача сотиш баҳоси эса 495,1 сўмни ташкил этган. Ёки, хўжаликлар 1 центнер гўшт ишлаб чиқаришдан 30,3 сўм фойда, сут ишлаб чиқаришдан эса 9,16 сўм зарар кўрган. 2000 йилда республика бўйича 1 центнер гўшт ишлаб чиқариш таннархи 32466.8 сўмни ва унинг ўртача сотиш баҳоси 27217.3 сўмни ташкил қилиб, 1 центнер гўшт ишлаб чиқариш 5249.5 сўм, сут ишлаб чиқариш эса 1675.5 сўм зарар келтирган (3-чизма).

Республика бўйича 1993-2000 йиллар ичида гўшт ишлаб чиқариш таннархи 70 марта, сотиш баҳоси 55 марта сут ишлаб чиқариш таннархи 44,5 ва уни сотиш баҳоси 35,5 марта ўсганлиги натижасида сут ва гўшт ишлаб чиқариш даромадлилик даражаси пайсий бормоқда.

Республика қишлоқ хўжалик корхоналарида 1 центнер гўшт(тирик вазнда) ва сутнинг сотиш баҳоси ва таннархи ўртасидаги мутаносиблик ўзгариши.



Бозор муносабатлари шаклланиши шароитида вужудга келган бундай вазият тармоқ тараққиёти йўлида асосий эътиборни мавжуд моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, ортиқча харажатларга йўл қўймасликка, кам ҳаражат эвазига кўпроқ сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратишни талаб этмоқда.

4. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан аграр тармоқда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қишлоқ хўжалик экинлари таркибида ўзгаришлар юз берган бўлсада ем-хашак етиштиришга ажратилаётган экин майдонлари салмоғи камайиб кетиши чорва молларининг озуқага бўлган талабини тўла таъминлашга имкон бермаяпти. Яъни, республика бўйича жами қишлоқ хўжалик экин майдонлари таркибидаги ем-хашак экинлари салмоғи 1990 йилдаги 24 фоиздан 1996 йилда 12,3 фоизга ва 1999 йилда 11,2 фоиз, 2000 йилда 11,4 фоизга тушиб қолган. Чорвачилик тармоғида иқтисодий ислохотлар бошланган 1993 йилда жами озуқа экин майдонлари 967,8 минг гектарни ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб ем-хашак экин майдонлари 538,9 минг гектаргача камайган.

Шу жумладан, озуқага бой бўлган беда экин майдонлари 2000 йилда 1993 йилга нисбатан 300,5 минг гектарга камайган. Яъни, 1993 йилда беда экин майдонлари озуқа экинларининг 43,8 фоизини ташкил қилган бўлса, 2000 йилга келиб, унинг салмоғи 15,7 фоизга тушиб қолган. Маккажўхори экин майдонлари эса 2000 йилда 1993 йилга нисбатан 40,2 минг гектарга, 1999 йилга нисбатан эса 10,6 минг гектаргача камайиб кетган. Шу билан биргаликда ем-хашак экинлари ҳосилдорлиги ҳам йилдан-йилга пасайиб кетаётганлигини кўриш мумкин. Жумладан, бир гектар ем-хашак экин майдонлари

ҳисобига олинган озуқа бирлиги 1990 йилда 4,4 тоннани ташкил қилганида ҳар шартли бош чорва моли ҳисобига 1.3 тонна озуқа бирлигида озуқа тўғри келган бўлса, 2000 йилда ҳар гектардан 3.2 тонна озуқа бирлигида ем-хашак тайёрланганда ҳар шартли бош чорва моли ҳисобига 1.1 тонна озуқа бирлигида озуқа сарфланган. Шунингдек, тайёрланаётган ем-хашакларнинг тўйимлилик даражаси ҳам ниҳоятда пастлигича қолиб кетмоқда. Яъни, 2000 йилда бир шартли чорва моли ҳисобига 13,8 центнер озуқа бирлиги миқдоридан озуқа талаб қилинган бўлса, ҳақиқатда эса бор йўғи 6,0 центнергина озуқа бирлиги миқдоридан озуқа жамғарилган. Ёки, озуқага бўлган талаб 43 фоизгина қондирилган. Шунинг учун ҳам, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча қишлоқ хўжалик корхоналарида илмий асосланган алмашлаб экиш қоидаларига тўла риоя қилишга ҳамда ем-хашак экинлари ҳосилдорлигини оширишга асосий эътиборни қаратиш лозим. Деҳқон хўжалиқларининг чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллаб келаётганлигини эътиборга олиб, уларга ширкат хўжалиқларида етиштирилаётган ем-хашакларни таннарх баҳосида сотиш ишларини ташкил қилиш ва қўшимча ер ажратиш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотлар кўрсатишича ем-хашак тайёрлаш тўғри ташкил қилинган шароитда чорвачилик соҳаси юқори самара бермоқда. Жумладан, Тошкент вилояти Паркент туманидаги “Бойқозон” ширкат хўжалиги чорвачилик фермасида 1000 бош қорамол, 4000 бош қўй, 1000 бош парранда ва 140 бош отлар боқилмоқда. Хўжаликда ҳар йили беда пичани тайёрлаш учун 259 гектар, беда кўк массасини тайёрлашга 110 гектар ва бошқа озуқабоп экинлар экиш учун 70 – 80 гектар ер ажратилаётганлиги натижасида чорва молларини озиқлантириш даражасини яхшилашга ва чорвачиликнинг фойдали соҳага айланишига қулай шароит туғилмоқда.

Хўжаликда 1998 йилда 1 кг гўшт ишлаб чиқариш учун 15 кг озуқа бирлиги миқдоридан озуқа режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 16,6 кг ва 1999 йилда эса 16,1 кг, 2000 йилда 15,9 кг озуқа бирлиги сарфланган, 1 кг сут ишлаб чиқариш учун 1,5 кг озуқа бирлигидаги озуқа сарфлаш режалаштирилганлигига қарамасдан ҳақиқатда 1998 йилда 1,7 кг ва 1999 йилда 1,6 кг, 2000 йилда 1,62 кг озуқа бирлигидаги озуқалар сарфланган. Молиявий натижалар ҳам шунга яраша юқори бўлган. 1998 йилда гўшт ишлаб чиқаришдан 6274,0 минг сўм, 1999 йилда 4717,9 минг сўм, сут ишлаб чиқаришдан эса 15055,7 ва 25962,7 минг сўм, 2000 йилда эса 145,3 тонна гўшт, 915,6 тонна сут ҳисобидан жами 27623 минг сўм (5039 минг сўм гўштан, 22534 минг сўм сутдан) фойда олишга эришган. (2-жадвал).

**Паркент тумани “Бойқозон” ширкат хўжалигида озуқа сарфлари
(1998-2000 йиллар), кг.оз.бир**

Маҳсулотлар тури	Белгиланган меъёр	1998 й.		1999 й.		2000 йил		2000 йил. 1998 йилга нисбат (+; -)
		Амалда	Фарқ (+; -)	Амалда	Фарқ (+; -)	Амалда	Фарқ (+; -)	
1 кг. Гўшт учун	15.0	16.6	+1.6	16.1	+1.1	15.9	+0.9	-0.7
1 кг. Сут учун	1.5	1.7	+0.2	1.6	+0.1	1.62	+0.12	-0.08
1 кг. Жун учун	1.42	1.5	+0.08	1.45	+0.03	1.48	+0.06	-0.02

5. Монографик тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, 2000 йилда Тошкент вилоятидаги ҳар 10 та хонадонда 5 бош йирик шохли қорамоллар, шу жумладан, 2-3 бош сигирлар боқилган. Чорва молларининг озуқа билан таъминлашда аҳоли томонидан ариқ ва зовур четларидан (имконияти бор жойларда) ем-хашак йиғиб олинади, ёки томорқа майдонларига экилади. Қисман аҳолига қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан ғалладан бўшаган жойларга такрорий экин сифатида ем-хашак экишга рухсат берилади ва таннарх баҳосида ишчиларга сомон сотилади. Шунинг учун ҳам, чорва молларига берилган озуқа таркибида сомон ёки дағал хашак катта салмоққа эга бўлмоқда. Чорва молларига берилган озуқанинг 55-60 фоизини сомон ёки дағал хашак, 15-20 фоизини кўк ўтлар ва 10-15 фоизини концентрат ва 5 фоизини сабзавот, полиз ва бошқа маҳсулотлар чиқиндиси ташкил қилади.

Тошкент шаҳрида ва шаҳар атрофидаги туманларда омухта ем сотиш шахобчалари яхши ривожланган. Бу фаолият билан тадбиркорлар шуғулланаётганлиги сабабли омухта емлар эркин нархлари аҳоли учун анча юқори. Урганиш натижалари кўрсатишича, шрот ёки кунжара нархлари заводдан истеъмолчиларга етиб келгунча 5 - 6 баробар ошиб кетмоқда. Яъни, 2000 йилда ўртача 1 кг омухта ем 120 сўмни ташкил қилган. 1 литр сутни баҳоси 150 сўмдан иборат бўлган ҳолда 1 литр сутни ишлаб чиқариш учун 1,6 озуқа бирлигида ёки 192 сўм сарфлашга тўғри келган. Ҳудди шундай 1 кг тирик вазн ўсиши учун 12.7 озуқа бирлигида ёки 1230 сўмлик озуқа талаб қилинади. Тирик вазндаги гўштининг нархи эса 850 сўмни ташкил этган. Бундай ҳолат, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таннархининг ошишига ва тармоқ самарадорлиги пасайишига олиб келади.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган омухта емлар сифати паст бўлиб, бир кг омухта емда меъёрдаги 1,01 кг озуқа бирлиги ўрнига ўртача 0.84 кг озуқа бирлиги мавжуд. Ем-хашак сифатининг пастлиги ҳамда чорва молларини меъёр даражасида озиқлантирмаслиги уларнинг маҳсулдорлиги пасайишига, сигирларни насл беришини 2 - 3 йилга чўзилиб кетишига олиб келмоқда. На-

тижада 2000 йил маълумотлари бўйича республикадаги барча тоифадаги чорвачилик хўжаликларида ҳар 100 бош сигирдан атиги 57 бош бузоқ олишга эришилган. Демак, тармоқ иқтисодиётини мустаҳкамлашда сигирларни белгиланган рацион асосида озиклантиришга ва озуқалар сифатини яхшилашга асосий эътиборни қаратиш лозим.

6. Тадқиқот натижалари кўрсатишича республикада ишлаб чиқарилаётган гўшт аҳолини тиббий меъёрларга нисбатан 43 фоизга, суг 79,6 фоизга, тухум 17 фоизга таъминламоқда. Шу нуқтаи назардан олганда, турли мулкчиликка асосланган чорвачилик хўжаликларида барча имкониятлардан унумли фойдаланилган ҳолда чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришни тақозо қилмоқда.

Таҳлиллар кўрсатишича фермер хўжаликлари маҳсулот таннарини камайтиришда ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда бошқа хўжалик юритиш шаклларига нисбатан юқори иқтисодий натижаларга эришмоқда. Бунга Чиноз, Бекобод ва Янгийўл туманларида фаолият юритаётган 5 та фермер хўжалиги, 5 та хусусий чорвачилик фермаси ва 5 та жамоа чорвачилик фермасининг амалиёт тажрибаларини монографик ўрганиш натижаларидан ҳам ишонч ҳосил қилиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

Турли мулкчиликка асосланган чорвачилик хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш молиявий кўрсаткичлари (1998-2000 йиллар, ўртача).

Турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шакллари	Хўжаликлар сони	1цен. маҳсулот и/ч.нинг ўртача таннархи, сўм		1 хўжаликка тўғри келадиган ялпи даромад, минг сўм		1 хўжаликка тўғри келувчи фойда (зарар), минг сўм		Бир хўжаликнинг ўртача рентабеллиги, фоиз	
		сут	гўшт	сут	гўшт	сут	гўшт	сут	гўшт
I. Жамоа чорвачилик фермалари	5	2325	59355	2006	2227	220	301	11,3	-
II. Хусусий чорвачилик фермалари	5	1312	47876	2125	930	666	162	29,5	28,8
III. Фермер хўжаликлари	5	1287	17616	4262	2000	1919	1412	29,4	29,03
Фермер хўжаликлари нисбати (+:-)									
1. Жамоа чорвачилик хўжаликлари		-1038	-41539	+2256	-227	1699	+111	х	х
2. Хусусий чорвачилик хўжаликлари		-25	-30260	+2137	+1070	1253	+125	х	х

Жумладан, 1998-2000 йилларда ўртача 1 центнер сут ва гўшт ишлаб чиқариш таннархи фермер хўжаликларида энг паст бўлиб, бир центнер сут ишлаб чиқариш таннархи 1287 сўмни, яъни, жамоа чорвачилик фермаларига нисбатан 1038 сўм кам ташкил қилган. Бир центнер гўшт таннархи ўртача фермер хўжаликларида 17616

сўмни ташкил этиб, бу кўрсаткич жамоа хўжаликларида 41539 сўмга, хусусий чорвачилик хўжаликларида эса 30260 сўмга ортиқ бўлган. Жамоа чорвачилик фермалари сут ишлаб чиқаришдан 11,3 фоиз рентабеллика эришиб, гўшт ишлаб чиқаришдан зарар кўришган бўлишса, фермер хўжаликларида сут ишлаб чиқариш рентабеллиги 29,4 фоизни ва гўшт ишлаб чиқариш рентабеллиги 29,03 фоизни ташкил қилган. Бу эса сарф-харажатлар устидан қатъий назорат ўрнатиш асосида маҳсулот ишлаб чиқариш тан-нархини камайтириш борасида катта имкониятлар мавжудлигидан далолат беради.

7. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришини ривожлантириш энг аввало фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланишга, моддий-техника ресурслари таъминотини яхшилашга ва улардан самарали фойдаланишга бевосита боғлиқдир. Бироқ, чорвачилик тармоғида сўнги даврда моддий техник таъминот даражаси пасайиб бориши кузатилмоқда. Масалан, пичан ўрувчи комбайнлар республика бўйича 1991 йилда 6,3 минг дона бўлган бўлса 2000 йилда улар сони 1,9 минг донагача ёки 4,4 минг донага камайган. Маккажўхори ўрадиган комбайнлар сони 2,6 минг донадан 1,7 минг донагача ёки 0,9 минг донага камайган. Ем-хашак йиғувчи комбайнлар сони эса 3,9 мингдан 3,2 минг донага тушиб қолган. Шунингдек, мавжуд техника воситаларининг аксарият қисми яроқсиз ҳолга келган. Яъни, 2000 йилда республикада мавжуд 119,7 минг тракторнинг 85,4 минг донаси ёки 71,3 фоизи ишга яроқли бўлган. Шу жумладан, 14,9 минг дона суриш тракторларининг 8,9 минг донаси ёки 60,1 фоизи, 1,9 минг дона магнум тракторларининг 1,8 минг донаси ёки 94,1 фоизи, 33,5 минг ҳайдаш тракторларининг 23,5 минг донаси ёки 70,3 фоизи, 25 дона “Кейс” комбайнларининг 20 донаси ёки 80 фоизи, пичан ва ем-хашак йиғиш комбайнларининг 1,9 мингтасидан 0,9 минг донаси ёки 43,2 фоизигина ишга яроқли бўлган.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир вилоятда “Ўзагроماشсервис” давлат акционерлик жамияти ва унинг туман бўлимлари мавжуд ҳамда ҳар бир туманда ташкил қилинган МТП ДАЖлари қишлоқ хўжалик корхоналарига техника хизмати кўрсатмоқда. Хўжаликлар техникаларини жорий ва капитал таъмирлаш учун МТП ДАЖларга мурожаат қилишлари ҳамда эҳтиёт қисмларни улар қошида ташкил қилинган савдо шоҳобчаларидан сотиб олишлари мумкин. Аммо ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги корхоналарида эркин пул маблағларини етишмаслиги ва эҳтиёт қисмларнинг қимматлиги мавжуд техникаларни таъмирлаш имкониятларини чегараламоқда. Шу нуқтаи назардан олганда қишлоқ хўжалик корхоналарини зарур техника воситалари билан таъминлашда давлат ёрдами ва узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш талаб қилинади.

8. Республикадаги чорвачилик хўжаликларида ишлаб

чиқарилаётган маҳсулотлар тайёрлов ва қайта ишлаш ҳамда ижтимоий соҳа корхоналарига шартнома асосида ва эркин бозорлар орқали сотилмоқда. Бироқ, ҳозирда чорва маҳсулотларини сотиб олувчи ва қайта ишловчи корхоналарнинг монопол вазияти сақланиб қолганлиги чорвадорларни ўз маҳсулотларини иложи борица қайта ишлаш корхоналарига топширмасликка ва бозорларда эркин нархда сотишга мажбур қилмоқда. Бу ўз навбатида, биринчидан, йирик маҳсулот етиштирувчилар учун бир қатор қийинчиликлар туғдирса, иккинчидан, қайта ишлаш корхоналарининг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасининг пасайишига олиб келмоқда. Масалан, “Тошкентсут” акционерлик жамияти 2000 йилда Тошкент вилоятининг 46 та, шу жумладан 9 та жамоа, 3 та хусусий чорвачилик фермаларидан, 11 та фермер хўжаликларидан ва 23 та турли мулкчилик шаклидаги чорвачилик хўжаликларидан ҳар литр сутни 55-100 сўмдан сотиб олган. Аммо, сутга нарх белгилаш масофа билан ҳам сут сифати билан ҳам асосланмаган. Чунки, энг паст нарх Оққўрғон туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги (55 сўм), энг юқори нарх эса заводга яқин жойлашган “Диёра” масъулияти чекланган жамоада (100 сўм) белгиланган. Бундай ҳолат кўпгина чорвачилик хўжаликларининг қайта ишлаш заводига маҳсулот топширишдан манфаатдорлигини таъминламаяпти.

Маълумки, чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қуйиш тармоқ самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналиши ҳисобланади. Аммо, республикамиздаги мавжуд қайта ишлаш корхоналари имкониятларидан тўлиқ фойдаланишга эришилмаётир. Жумладан, 2000 йилда “Ўзгўштсутсаноат” давлат акционерлик уюшмасига қарашли гўштни қайта ишлаш корхоналари ўз ишлаб чиқариш қувватларидан 46,6 фоизга, сутни қайта ишлаш корхоналари эса 35,5 фоизга фойдаланилган, холос. Бир тонна сутни қайта ишлаб 44,6 кг сариёғ, 106,4 кг пишлоқ, 344 кг творог, 69 кг қаймоқ олиш мумкин. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича 1 тонна сутни қайта ишлаб тайёр маҳсулот сифатида сотиш эвазига 300-350 минг сўм қўшимча фойда олиш имкони мавжуд. Шунинг учун ҳам чорвачилик хўжаликларидан юқори сифатли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи кичик цехларни ташкил қилишга, чорвачилик хўжаликлари ва қайта ишлаш корхоналари заминида ягона мақсадли ишлаб чиқариш кооперативларини ташкил этиш чорвачилик хўжаликлари даромадлари ортишида йирик имконият ҳисобланади (4-чизма). Бунда қуйидагича ёндашиш тавсия этилади.

Турли мулкчилик асосида фаолият юритувчи қишлоқ хўжалиги корхоналари мустақил равишда маълум ҳудуд доирасида (қишлоқ фуқаролар йиғини, туман) ўз маблағлари, банк кредитларини жалб этиш ҳисобига кооператив асосда фаолият юритувчи чорва маҳсулотларини қайта ишлаш кичик корхонасини ташкил этишади.

Ушбу ишлаб чиқариш кооперативининг Устав капитали уни таъсис этувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг маблағи ҳисобига шаклланади. Ҳар бир таъсисчи (чорвачилик хўжалиги) ўзи қўшган ҳиссасига боғлиқ равишда кооператив фаолиятини бошқариш қарорларига таъсир этиш ҳуқуқига эга бўлади ва кооператив фойдасидан ўз улушини олади.

Кооператив фаолияти учун зарур бўлган моддий-техник ресурслар билан таъмин этиш масаласи таъсисчилар кўмагида амалга оширилади. Кооператив мустақил балансга эга бўлиб, ўзини-ўзи маблағ билан таъмин этиш тамойили асосида фаолият юритади.

Таъсисчи хўжаликлар томонидан топширилган чорва маҳсулотларининг сифати ва миқдорини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Кооперативнинг ишлаб чиқариш харажатлари чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, хомашё баҳоси бунга кирмайди. Ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотни сотиш таъсисчилар белгиллаган савдо каналлари орқали, энг кам харажатлар эвазига юқори нархларда сотишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Олинган пул тушуми ҳисобидан кооператив харажатлари қоплангандан сўнг шаклланган фойда таъсисчилар ўртасида, уларнинг ҳиссасига мутаносиб равишда тақсимланади.

Агарда чорвачилик маҳсулотлари бошқа хўжаликлардан (таъсисчилардан ташқари) қабул қилинса у ҳолда маҳсулот келишилган баҳолар бўйича кооператив томонидан сотиб олинади ва қайта ишлаш ҳисобидан олинган фойда таъсисчиларга тегишли бўлади.

Кооператив фаолияти якунлари бўйича олинган фойда икки қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисм кооператив фаолиятини кенгайтириш учун ажратиладиган қисм, иккинчи қисм таъсисчилар ўртасида тақсимланадиган қисм. Ушбу қисмлар нисбати кооперация кенгаши томонидан келишилган ҳолда белгиланади.

Кооператив фойдасини тақсимлаш бўйича услуб ва кооператив бошқарув тизими тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилди. Услубни асосини таъсисчилар томонидан топширилган маҳсулот миқдори ва сифати билан биргаликда ҳар бир таъсисчининг кооператив устав жамғармасидаги ҳиссаси ташкил этади. Мазкур услуб қуйидаги формулалар асосида амалга оширилади:

1. Таъсисчининг кооператив фойдасидаги ҳиссасини (Φ_y) аниқлаш.

$$\Phi_y = \frac{Y_\phi + Y_m}{2}$$

Бу ерда:

Y_ϕ - таъсисчининг кооператив устав жамғармасидаги улуши (%).

Y_m - таъсисчининг кооператив қабул қилган жами маҳсулотдаги улуши (%).

$$Y_\phi = \frac{T_m}{K_{y\phi}} \cdot 100$$

Бу ерда:

T_m – Кооператив устав жамғармасыга таъсисчи томонидан қўшилган маблағ (сўм)
 $K_{\text{уф}}$ – Кооперативнинг устав жамғармасы.

2. Таъсисчига тегишли бўлган фойда миқдори (Φ_m)

$$\Phi_m = \frac{K_{\text{уф}}}{100} \cdot \Phi_s$$

Бу ерда:


$K_{\text{уф}}$ – Кооперативнинг таъсисчилар ўртасида тақсимланадиган фойдаси (сўм)

Фойдани ишлаб чиқаришни кенгайтиришга йуналтирилган қисми ҳисобидан кооперацияга аъзо хўжаликларга турли хизматлар кўрсатиш яъни марказлашган ҳолда сунъий уруғлантиришни йўлга қўйиш, ветеринария хизматлари кўрсатиш ташкил этилади.

9. Жаҳон амалиёт тажрибалари кўрсатишича тайёр чорва маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш хўжаликларнинг пировард маҳсулот ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорлиги даражасига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан ҳам кўпгина фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаб сотиш ҳисобига яхши натижаларга эришмоқдалар. Жумладан, Қибрай туманидаги Турон номли ширкат хўжалигида жойлашган Мурод, Солиҳ ва Эргашев номли фермер хўжаликлари 1997 йилда Исроил давлатининг Машав халқаро маркази ҳамкорлигида суткалик ишлаб чиқариш қуввати 10 тонна бўлган сутни қайта ишлаш кичик заводни қуриб ишга туширишган. Заводда 7 турдаги сут маҳсулотлари ва 4 турдаги мева шарбатлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Заводнинг ишлаб чиқариш қувватини фермер хўжаликларида ишлаб чиқарилган сут билан тўла таъминлаб бўлмаслиги боис ҳозирги кунда завод ишлаб чиқариш қувватининг 50-60 фоизидан фойдаланмоқда. Жорий йилдан бошлаб эса заводнинг ишлаб чиқариш қувватидан тўла фойдаланиш мақсадида шу ҳудуддаги деҳқон хўжаликлари билан сут етиштириб бериш бўйича шартномалар тузилмоқда. Бу бир ҳисобдан кичик завод ва фермерларнинг меъёрий фаолиятини таъминласа, иккинчидан, деҳқон хўжаликлари етиштирган сут маҳсулотларини доимий равишда сотиш имкониятларини кенгайтиради. Шу нуқтаи назардан олганда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи кичик завод ва цехларни қишлоқ жойларда қуришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур.

10. Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда наслчилик ишларини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Қибрай туманидаги “Қизил Шалола” тажриба хўжалиги Республика миқёсида наслчилик иши тўғри йўлга қўйилган хўжаликлардан бири

Чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш кооперативи фаолиятининг хўжалик механизми



бўлиб, ҳар йили республиканинг турли хўжаликларига 200-250 бош элита ва элита-рекорд тоифасидаги 12-18 ойлик насли қорамолларни етиштириб бериш ҳисобидан юқори даромад олишга эришмоқда. Сут маҳсулдорлигини ошириш мақсадида Қора-ола зотли сигирларни Голштен зоти билан чатиштириш ҳисобига олинган дурагайларда сут маҳсулдорлигини 18-22 % га оширишга эришилган. Натижада сут маҳсулдорлиги 4000-4200 кг бўлган сигирларни яратиш бўйича ижобий натижаларга эга бўлмоқда. Бузоқларнинг суткалик ўсиш даражаси 700-800 граммга ва тирик вазни 18 ойлигида 450-480 кг га етказиб гўштга топширилмоқда. Республикамызда чорва молларининг наслини яхшилаш тадбирларига сарфланган маблағларни чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кўпайиши эвазига бир неча маротаба ошириб қоплаш мумкин. Бинобарин, Тошкент вилояти хўжаликларида 2000 йилда ўртача бир сигирдан соғиб олинган сут 1954 кг ни ташкил қилган. Чорва моллари наслини яхшилаш натижасида сигирлар маҳсулдорлигини икки баробар ошириш ҳисобига вилоят бўйича қўшимча 693,6 минг тонна, Республика бўйича эса 7086,8 минг тонна сут ишлаб чиқариш имконияти вужудга келади.

4 - жадвал

**Аҳолини сут ва гўшт маҳсулотлари билан таъминлаш истиқболлари
(Тошкент вилояти)**

Кўрсаткичлар	Амалда		Истиқболда				
	2000	2001	2002	2004	2006	2008	2010
Сут ишлаб чиқариш (минг тонна)							
1. Қишлоқ хўжалик корхонала-	35,6	34,5	35,2	36,6	37,9	39,4	40,8
2. Фермер хўжаликлари.	5,3	4,9	6,0	10,0	12,0	14,0	16,0
3. Деҳқон хўжаликлари.	305,9	312,6	420,7	423,0	427,2	431,4	435,8
Жами	346,8	352,0	461,9	469,6	477,1	484,8	492,6
Гўшт (тирик вазнда) ишлаб чиқариш (минг тонна)							
1. Қишлоқ хўжалик корхонала-	10,1	5,2	4,7	8,4	9,5	10,7	11,9
2. Фермер хўжаликлари.	1,0	1,2	2,1	4,0	6,0	8,0	10,0
3. Деҳқон хўжаликлари.	91,7	98,9	184,7	187,8	190,8	193,9	197,0
Жами	102,8	105,3	191,5	200,2	206,3	212,6	218,9
Аҳолини чорва маҳсулотлари билан таъминланиши							
Аҳоли сони (минг киши)	2370,2	2404,9	2425,1	2465,2	2504,7	2544,8	2586,2
- Сут, аҳоли жон бошига (кг). (тиббий меъёр 182,5 кг)	146	146,3	190,5	190,5	190,5	190,6	190,6
- Гўшт, аҳоли жон бошига (кг) (тиббий меъёр 78 кг)	43,3	43,8	78,9	81,2	82,3	83,5	84,6

Маълумки, ҳозирги кунда ишлаб чиқарилаётган чорвачилик маҳсулотларининг асосий қисми деҳқон хўжаликларидега етиштирилмоқда. Иқтисодий маълумотлар кўрсатишича Тошкент вилояти деҳқон хўжаликларининг ҳар 2 тасига бир бош қорамол, шу жумладан ҳар 4 тасига бир бош сигир тўғри келмоқда. Агарда вилоятда илмий асосланган алмашлаб экиш тизими жорий қилиниб ем-хашак базаси яхшиланса ва деҳқон хўжаликлари фаолиятига зарур шарт-шароитлар яратилса, ҳар бир оилада бир бош қорамол, шу жумладан иккита оилада бир бош сигир асрашга эришиш мумкин. Бундай чора-тадбирлар натижасида истиқболда вилоят аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан тиббий меъёрлардан юқори миқдорда барқарор таъминлаш имконияти вужудга келади (4-жадвал).

Юқорида қайд қилинган муаммоларнинг амалий ҳал қилиниши турли хўжалик юритиш шаклларида фаолият юритаётган чорвачилик хўжаликларининг истиқболли ривожланишида ҳамда тармоқ самарадорлигининг ошишида ва мамлакат аҳолисини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашда муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация бўйича чоғ этилган илмий мақолалар рўйхати.

1. Меҳмонов С. «Қишлоқ хўжалик корхоналарида ҳисоб юритиш тизимини такомиллаштиришни аҳамияти». //«Маънавият ва иқтисодий тараққиёт» ТошДАУ, Илмий услубий мақолалар тўплами. Тошкент 1997 йил 101-103 бетлар.
2. Меҳмонов С. «Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш даврида қорамолчилик маҳсулотлари таннархини камайтириш имкониятлари». // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси, 2000 йил, 1 сон, 81-83 бетлар
3. Меҳмонов С. «Food polici reforms for sustainable agricultural development in Uzbekistan». // “Food policy reforms in central Asia” International food policy research Institute. Washington, 2000 у, 125-136 бетлар
4. Меҳмонов С. «Республика чорвачилик тармоғида ўтказилган иқтисодий ислохот босқичлари ва уни чуқурлаштириш йўллари». // Ўзбекистон аграр фани хабарномаси. 2001 йил, 01(3) сон. 88-91 бетлар.
5. Меҳмонов С. «Турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шароитида ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш». // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. Тошкент 2002 йил. 1 сон 28-29 бетлар.
6. Меҳмонов С. «Чорвачилик маҳсулотлари бозори». //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2002 йил. 1/2 сон, 25-26 бетлар.
7. Меҳмонов С. «Чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги». //Иқтисод ва таълим 2002 й. 1 сон, 62-68 бетлар.
8. Меҳмонов С. «Чорвачилик маҳсулотларини сотиш тизимини такомиллаштириш». //ТошДАУ «Аграр фани: ютуқлари ва истиқболлари» халқаро илмий – амалий конференция маърузаларининг тезислари. 165-166 б. Тошкент 2002 й.

Краткое содержание диссертационной работы
Мехмонова С.У. на тему:

“Совершенствование системы обеспечения населения продукцией животноводства на основе перспективного развития отрасли при условии либерализации экономики” по специальности 08.00.04- микроэкономика (АПК) на соискание ученой степени кандидата экономических наук.

В условиях либерализации экономики необходимо научно обосновать основные направления развития предпринимательства и повышение экономической эффективности животноводческих хозяйств различными формами собственности.

Целью исследования является разработка предложений по стабильному обеспечению населения животноводческой продукцией на основе повышения экономической эффективности животноводческих хозяйств различными формами собственности.

Диссертационная работа состоит из введения, трех глав, выводов и предложений, списка использованной литературы.

Во введении обосновывается актуальность проблемы, освещается степень ее разработанности, сформулированы цель и задачи исследований, её научная новизна и практическая значимость.

В первой главе – “Научные основы обеспечения населения животноводческой продукцией на основе повышения производственной эффективности в условиях либерализации экономики” рассмотрены проблемы удовлетворения потребности населения в животноводческой продукции, проанализирована экономическая эффективность животноводческой отрасли. Определены факторы, влияющие на экономическую эффективность производства животноводческой продукции, а также на уровень её потребления.

Во второй главе – “Современное состояние производства животноводческой продукции и возможности его увеличения” анализируется современное состояние производства животноводческой продукции. Исследованы основные факторы финансово-экономического состояния животноводческих хозяйств и укрепление кормовой базы животноводства.

В третьей главе – «Перспективы обеспечения населения животноводческой продукцией на основе повышения эффективности отрасли» исследованы проблемы эффективности и пути повышения производства животноводческой продукции на основе развития частной собственности. Изучены возможности улучшения материально-технической базы хозяйств с различными формами собственности. Определены перспективы формирования рынка животноводческой продукции и даны предложения и рекомендации по повышению эффективности отрасли.

В заключении сформулированы основные выводы и предложения, вытекающие из результатов исследований.

Summary

Thesis by **Mehmanov S.U.**

“The providing system perfection of the population with livestock productions in the conditions of economy liberalization on the basis of perspective development of the branch” speciality.08.00.04 microeconomics (AIS) competition for candidate of economic sciences degree

In the conditions of liberalization of the economy it is necessary to ground the basic directions of developing entrepreneurship and increasing economic efficiency of animal husbandry in various forms of ownership.

The goal of the researches are the development of stable providing the population with livestock productions based on increasing economic efficiency of animal breeding farms.

The thesis consists of an introduction, three chapters, summary and recommendations for inculcation, and reference.


In introduction-the actuality of problems have been grounded, the level of its development is elucidated, the aim and practical valuability have been formulated, the results of approbations, publications of the main points have been expanded.

In chapter one- “The theoretic basis of providing the population with livestock productions in the conditions of economy liberalization” of the problems of satisfying the requirements of the population with livestock productions, economic efficiency of animal husbandry farming have been analyzed.

In chapter two –“The present state of livestock production and the ways of their increasing” the present state of producing animal productions have been analyzed, the problems of monitoring and the state of the branch have been dealt. The main financial-economic determining factors of animal husbandry are investigated. Livestock fodder base and its affect on the development of the branch has been analyzed.

In chapter three – “The perspectives of providing the population with livestock productions on the basis of increasing the efficiency of the branch”. The opportunities of increasing material resource base of farms with different ownership forms. The perspectives of livestock production market and developing the branch efficiency have been analyzed and certain suggestions and recommendations are offered.

In summary-the main conclusions and recommendations followed from the results of investigations have been formulated.



Босишга рухсат берилди 3.06.2002. Бичими (60x84) 1/16. Шартли босма табағи 1,5.
Нашриёт босма табағи 1. Адади 60 нусха.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 10-505 сонли гувоҳномаси асосида
ТошДАУ нашр таҳририяти бўлимининг РИЗОГРАФ аппаратида чоп этилди.